ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

Meros

№ 1/2023

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида 3
Абдухалимов Б. Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 16
Каримов Ш. Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида 27
Файзуллаев Ф. Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар 36

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Раджабова Д. Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар) 49
Пуговкина О. Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.) 61
Тошев С. Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши..... 74

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Исматова Н. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари 84

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Миркомилов Э. Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари 99

Разаков Ф. Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.) 109

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Таниева Г. XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири 128

Разакова М. Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи 137

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н. Сведения “Мин шилу” о торгово-посольских связях Китая и государств Центральной Азии в XIV–XV вв. 146

Алимова Л. Трансформация семейных отношений в Южнокорейском обществе в конце XX века 158

Акрамова Ш. Межгосударственное сотрудничество Республики Узбекистан и КНР 168

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 2 июндаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

20.09.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

Ш. Каримов

Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида

Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир (1473–1534) “Дастур ал-вузаро” (“Вазирларга қўлланма”) асарини афсонавий подшо Сулаймоннинг Осаф (мил. авв. X аср) ва Сосоний Анушервон (531– 579) вазири Бузуржмеҳр (VI аср) тавсифи билан бошлайди. Сўнгра Умавийлар (661–750), Аббосийлар (750–1258), Бармакийлар, Сомонийлар (865–999), Дайламийлар (1008–1119), Ғазнавийлар, Салжуқийлар (1038–1194), Исмоилийлар (1090–1256), Хоразмшоҳлар (1077–1231), Абу Исҳоқ Инджу давлати, Музаффарийлар (1315–1393), Чингизийлар (1206–1634) ва Темурийлар вазирлари ҳақида маълумот беради [2; 4: 57–58]. Тоҳирийлар (821–873) ва Саффорийлар (867–901) вазирлари асарга киритилмаган [4: 58].

“Дастур ал-вузаро” асарининг 58*б* саҳифаси “Ғазнавийлар султонлари вазирларидан баъзилари” (ba‘ḍi az wuzarā-i salāṭīn-i Ghaznawī) [1] сатрлари билан бошланади. Асарда Амир Носириддин Сабуктегин ушбу салтанатнинг асосчиси деб кўрсатилган. Муаллиф Сабуктегинни турк йигити, Алптегиннинг эътиборли ходими, деб таъкидлайди. Алптегин Сомонийлар даврида Хуросон ноиби эди, кейинчалик Ғазнада ўзининг мустақил ҳокимиятини ўрнатади. Хондамир ёзишича, Ғазнавийлар салтанати 178 йил давом этган. Бу даврда мазкур сулоланинг қуйидаги вакиллари ҳукмронлик қилган.

1. Амир Носириддин Сабуктегин (977–997);[2]
2. Амир Исмоил ибн Амир Носириддин Сабуктегин (997–998);
3. Султон Маҳмуд ибн Амир Носириддин (998–1030);
4. Султон Масъуд ибн Султон Маҳмуд (1031–1041);
5. Султон Муҳаммад ибн Султон Маҳмуд (1041);
6. Султон Мавдуд ибн Султон Масъуд (1041–1050);

[1] Бу ва кейинги ўринларда матнда асли араб алифбосида келган сўз ва жумлалар “Encyclopedia Islamica”да фойдаланилган транслитерация тизими асосида ифода этилади [5: 34].

[2] Султонларнинг ҳукмдорлик йиллари К.Э. Босвортнинг “Мусульманские династии” асаридан олинди [1: 237].

7. Султон Али ибн Масъуд (1050);
8. Абдурашид ибн Султон Али ибн Масъуд (1050–1053);
9. Фаррухзод ибн Масъуд (1053–1059);
10. Абу Музаффар Иброҳим ибн Масъуд (1059–1099);
11. Султон Масъуд ибн Иброҳим (1099–1115);
12. Султон Арслоншоҳ ибн Масъуд ибн Иброҳим (1115–1118);
13. Султон Баҳромшоҳ ибн Масъуд ибн Иброҳим (1118–1152);
14. Султон Хисравшоҳ ибн Баҳромшоҳ (1152–1160);

Бу рўйхатга Султон Муҳаммад ибн Султон Маҳмуднинг (1030) биринчи ҳукмронлик даври, Камол ад-давла Шерзод (1115) ва тож ад-давла Хусрав Малик (1160–1186) номи киритилмаган. Балки Султон Муҳаммад ибн Султон Маҳмуд ва Камол ад-давла Шерзод ҳукмронлик вақти жуда қисқа бўлгани учун султонлар сафида кўрсатилмагандир. Аммо сўнгги ғазнавий султон тож ад-давла Хусрав Малик номи ҳам бу сафда йўқ.

Хондамир Ғазнавийлар давлатини 178 йил ҳукмронлик қилган деб ҳисоблайди [2: 59*а*]. Бизнинг ҳисобимизда Амир Носириддин Сабуктегин ва Султон Хусрав Маликкача ҳукмронлик даври оралиғи ҳижрийда 216 йилдир.

Асарда ҳукмдорлар ҳақидаги маълумотлардан сўнг, Ғазнавийлар давридаги энг машҳур ўн нафар вазир ҳақида маълумот берилади.

Ғазнавийларнинг биринчи вазири Абу-л-Аббос Фазл ибн Аҳмад Исфароиний дастлаб сомоний ҳукмдорлар саройида юқори мартабали котиб ва ноиб бўлган [2: 59*а*]. Сомонийлар давлати қулагач, Сабуктегиннинг хизматига ўтган. Султон Маҳмуд замонида вазирлик даражасигача кўтарилган. Муаллиф Абу-л-Аббос ҳақидаги бу маълумотларни Рашидуддиннинг “Жомеъ ат-таворих” (“Тарихлар тўплами”) асаридан олганини қайд этади. Хондамир Абу-л-Аббоснинг Ҳажжож исмли ўғли ва ҳадис илмида юксак илмли қизи бўлгани ҳақида маълумот беради [2: 59*б*].

Араб тилини яхши билмайдиган, одоб-ахлоқи ҳам яхши бўлмаса-да, давлат ишларини бажаришда моҳир Абу-л-Аббос вазирлигининг ўнинчи йилида “шараф чўққисидан бахтсизлик тубига” қулайди. Хондамир ривоят қилишича, Султон Маҳмуд ёш йигитларни (ғуломлар) пулга ёллаб хизмат қилдиришни яхши кўрарди. Абу-л-Аббос ҳам худди шундай қиларди ва “Одамлар

ҳукмдорларининг йўлидан борадилар” (*an-nās-u ‘alā dīn-i mulūkihim*) деб ўзини оқларди. Кунларнинг бирида Абу-л-Аббос турк вилоятларидан бир ғулом сотиб олади. У ҳақида Султон хабар топиб, ғуломни унга беришни талаб қилганида вазир ҳеч кимни сотиб олмаганини айтиб, ишни ундан яширади. Султон вазирнинг уйига меҳмонга борганида ўша ғулом Султонга хизмат қилиб, мусиқа чалиб қўшиқ айтиб беради. Бундан Султоннинг жаҳли чиқиб, вазир Абу-л-Аббосни ҳибсга олиш ва уйини мусодара қилишга буйруқ беради. Кўп ўтмай, Султон Маҳмуд Ҳиндистонга юришга кетгач, пойтахтдаги амирлар Абу-л-Аббосни қийнаб ўлдиради [2: 59*б*].

Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий – Султон Маҳмуднинг эмакдош укаси бўлган [2: 60*а*]. Унинг отаси Ҳасан Маймандий Баст[1] ҳудудида Носириддин Сабуктегин даврида девон маблағларини йиғиш билан шуғулланган. Амир Носириддин фитначиларнинг ёлғонларига ишониб уни вазифасидан озод қилади. Хондамир Ҳасан Маймандийни Султон Маҳмуднинг вазирларидан деб ҳисобловчилар ҳам бор, бироқ бу хато, унинг вазирлиги ҳақида бирор далил йўқ, деб ёзади [2: 60*а*].

Султон Маҳмуд дастлаб Аҳмад ибн Ҳасанни рисолалар ва иншо девони[2] раҳбари, кейинчалик вилоятларни қўриқлаш ва ҳарбий ишларни бошқариш вазифасига тайинлайди. Сўнгра унга Хуросоннинг барча мулкларини назорат қилиш топширилади. Султоннинг Абу-л-Аббос Исфароинийга нисбатан муносабати ўзгаргач, уни вазирлик ва идора ишлари бошқарувидан бўшатиб, бу масъулиятли ўринга ўн саккиз йилдан бери мулк ва молия ишларини бошқараётган Аҳмад ибн Ҳасанни қўяди. Олтинтош ҳожиб [3] (1017–1032), Амир Али Хушованд каби юқори лавозимдаги амалдорлар Султоннинг мажлисида бу моҳир вазирга туҳмат ва бўҳтонлар ёғдиришади. Султон Маҳмуд бу гапларга ишониб, бу вазирни ҳам вазифасидан озод қилади. Уни ҳинд қалъаларидан бирига қамашади. Султон Маҳмуд вафотидан сўнг Ғазнавийлар тахтига ўғли Султон Масъуд чиқади ва ҳибсдаги Аҳмад ибн Ҳасанни озод қилиб, уни

[1] Сеистон, Ғазна ва Ҳирот оралиғидаги ҳудуд [7: 236].

[2] Давлатга келиб тушадиган мактублар ва ёзишмалар билан шуғуланувчи идора.

[3] Ҳарбий лавозим. Ҳукмдор томонидан шаҳзодалар, султон ҳонадонига мансуб амирлар, вазирлар ва отлиқ қўшин раҳбарлари орасидан тайинланган, бошқа вилоятларни бошқариш учун юборилган ҳарбий қўшин бошлиқларига ҳам ҳожиб унвони берилган [6: 188].

иккинчи марта вазирлик лавозимига кўтаради. Хондамир ёзишича, Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий ҳижрий 424 йили (1033) вафот этади [2: 60*б*].

Абу Али Ҳасан ибн Муҳаммад “Ҳасанак Микол” *(Hasanak Mīkāl)* номи билан танилган [2: 60*б*]. Султон Маҳмудга ёшлигидаёқ яқин бўлган, тарбиясида иштирок этган. Замондошлари уни ширинсўз, яхши хулқли ва ўктам, ақлли киши деб таърифлаган. Лекин ёзув, иншо ва хат-саводи унчалик дуруст эмасди. Хондамир бу маълумотларни Мирхонднинг “Равзат ас-сафо” (“Софлик боғи”) асаридан олиб ёзади. Ҳикоя қилинишича, бир куни Султон Маҳмуд сомоний Нуҳ ибн Мансурнинг (997–999) илтимосига кўра, Абу Али Симжурга қарши жанг қилиш учун Хуросонга кетаётиб, бир дарвешга дуч келади. Дарвеш суҳбатидан мамнун бўлган Султон унга бойлик таклиф қилади. Дарвеш бирдан қўлларини осмонга кўтаради ва ҳовучини олтин тангаларга тўлдириб Султонга узатади. Султон уларни Ҳасанак Миколга беради. Ҳасанак қараса, ҳаммаси Али Симжур номига зарб қилинган тангалар экан [2: 61*а*]. Йўл-йўлакай, Султон Маҳмуд Ҳасанакдан бу воқеа таъбирини сўрайди. У ғайб оламида номига танга зарб қилинган кимса билан урушиш ярашмаслиги ҳақида айтади. Султон унинг сўзларини маъқуллайди ва қўшинни ортга қайтаради [2: 61*а*].

Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий вазирлик лавозимидан озод қилингач, Султон Маҳмуд бу лавозимга обрўли кишилардан бирини танлашни давлат улуғларига топширади. Улар Абу-л-Қосим Ориз, Абу-л-Ҳусайн Ақилий, Аҳмад ибн Абдусамад ва яна Ҳасанак Микол номзодини таклиф қилишади. Ҳасанак Микол вазирлик лавозимига тайинланади ва у Султон Маҳмуд умрининг охиригача фаолият юритади [2: 61*б*]. Унинг вафотидан сўнг тахтга ўтирган кичик ўғли Султон Муҳаммад даврида ҳам шу лавозимда хизмат қилади [2: 61*б*]. Хондамир бу воқеаларга тўхталиб, Султон Маҳмуд вафотидан сўнг Султон Муҳаммад тахтга ўтиргани, бу пайтда Султон Масъуд Ироқда эканини ёзади. Бироқ Ғазнавий ҳукмдорлар қаторига уни киритмайди. Рўйхатда Султон Маҳмуддан кейин Султон Масъуд номини келтиради. Ҳасанак Микол Султон Муҳаммадга ёқиш учун девон ходимлари олдида одобсизларча: “Масъуд подшоҳ бўлса, Ҳасанакни ака қилиб олиши керак”, *(har gāh Mas‘ūd pādshāh shūd Hasanak rā brādar bāyad)* дейди [2: 61*б*].

Султон Масъуд Хуросонга қайтгач, ҳокимиятни Султон Муҳаммаддан тортиб олади ва Ҳасанакни чақиртириб, унга ҳеч кимса тўғрисида ёмон сўз айтмаслигини уқтиради. Хондамир бу воқеани ҳикоя қилиб, салтанат олий хонадонининг хизматчилари, яқинлари султон ва унинг оиласи обрў-эътибори, улуғворлигига дахл қилмаслиги, яширин ё ошкора ғийбатдан узоқ туришини таъкидлайди. Бу тўғрида Қуръони Каримдаги Оли Имрон сурасидан "*Хоҳлаган кишингга мулк берурсан, хоҳлаган кишингдан мулкни тортиб олурсан" (tu'tī al-mulka man tashāu wa tanzi'u al-mulka mimman tashāu)* оятини келтиради [3: 327; 2: 61*б*].

Абу Наср Аҳмад ибн Абдуссамад Шерозий дастлаб Хоразмда Олтинтош ҳожиб ва унинг ўғли Ҳорун (1032–1035) девони раиси эди [2: 61*б*]. Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий вафот этгач, Султон Масъуд Абу Наср Аҳмадни Хоразмдан [2: 62*а*] чақиртириб, вазирлик лавозимига тайинлади. У қўшин ва ҳарбий қисмлар ишларини моҳирлик билан жой-жойига қўяди. Бу иши "дунё вазирлари учун дастур ва ўша даврдаги бошқарувчиларга қонун" *(dastūr-i wuzarā-ī jahān wa qānūn-i mudabbirān-i dawrān)* бўлади [2: 62*а*]. У Султон Масъуд саройида 20 йил ишлайди ва сўнгра унинг ўғли Султон Мавдуд ҳукмронлиги даврида ҳам шу лавозимда фаолият юритади. Аммо 20 йил давомида вазирлик қилгани тарихий ҳақиқатдан бироз йироқ бўлиши мумкин. Чунки Султон Масъуд ўн йилдан ошиқроқ вақт ҳукмронлик қилган. Бу вазир умрининг охирларида сарой амалдорлари фитнаси билан зиндонга ташланади ва душманлари томонидан ичимлигига заҳар қўшиб ўлдирилади.

Тоҳир Муставфий бир муддат Султон Маҳмуд девонида муставфий[1] лавозимида ишлаган. Султон Мавдуд вазири Аҳмад ибн Абдуссамад зиндонга ташланишидан кейин Тоҳир Муставфийни вазирлик лавозимига тайинлайди. Заиф фикри ва нотўғри бошқаруви туфайли икки ойдан сўнг вазифасидан бўшатилиб, умрининг қолган қисмини "ёлғизликда ўтказади" *(wa farāghat rūzgār gudharānd)* [2: 62*а*].

Абдураззоқ ибн Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий аввалги вазир Тоҳир Муставфийдан сўнг Султон Мавдуд буйруғи билан вазирлик лавозимини эгаллайди. Етти йил ишлагандан сўнг Султон Мавдуд салжуқийлар билан жанг қилиш учун ҳижрий 441 йили ражаб ойи

[1] Хазина ишлар бўйича девон ходими [9: 287].

ўрталарида (1049) юриш қилади. Йўлда Султон “қуланж”[1] касалига чалинади ва Ғазнага қайтиб кетади. Султон Мавдуд вазир Ғазнада йўқ пайти вафот этади. Давлат аъёнлари Али ибн Масъудни тахтга кўтаришга қарор қилади.

Вазир бундан хабар топгач, ўша юриш пайтида ҳибсга олинган Абдурашид ибн Масъудни озод қилади. Абдураззоқ ибн Аҳмад аскарларни Абдурашид ибн Масъудга бўйсунишга чақиради. Аскарлар бунга рози бўлади ва вазир Абдурашид билан бирга Ғазнага қайтади. Али ибн Масъуд пойтахтдан қочиб кетади.

Абдурашид салтанат тахтига ўтиради. Шу тариқа вазирлик лавозими умрининг охиригача Абдураззоқда қолади [2: 62*а*].

Ҳасан ибн Меҳрон Султон Муҳаммадга Султон Маҳмуд давридан бери ноиблик қилар эди. Султон Муҳаммад вафот этгач Султон Масъудга ёрдам бера бошлаган ва натижада унга хазина ишларини назорат қилиш вазифаси топширилади. Абдурашид ибн Масъуд ўлдирилгач, Фаррухзод салтанат тахтига ўтиради ва у вазирлик лавозимига Ҳасан тайинланади. Бу лавозимда икки йил ишлайди. Тўсатдан ишдан бўшатилиб, умри охиригача зиндонда қолади. Бироқ Хондамир унинг жазоланиши сабабини ёзмаган [2: 62*б*].

Абу Бакр Солиҳ Ҳасан ибн Меҳрондан кейин Фаррухзодга вазирлик қилади. Бунгача Ҳиндистонда ўттиз йил ҳокимлик қилган эди. Хондамир бу маълумотни Рашидуддиннинг “Жомеъ ат-таворих” асаридан олганини ёзади. Абу Бакр Солиҳ султон Иброҳим ибн Масъуд замонида фитначилар томонидан ўлдирилади [2: 62*б*–63*а*].

Абу Саҳл Хўжандий дастлаб Султон Маҳмуд ва Султон Масъуд саройида котиб бўлиб ишлаган. Султон Иброҳим салтанат тахтига келгач, вазирлик лавозимига эришади. Кўп ўтмай, Султон Иброҳим бу фазилатли вазирни алмаштиради [2: 63*а*].

Абдулҳамид ибн Аҳмад ибн Абдуссамад [2: 63*а*] узоқ вақт Султон Иброҳим ва унинг укаси Султон Арслоншоҳ даврида вазирлик лавозимида фаолият юритган. Хондамир у адолат ва инсофни ёйишда, ноҳақлик ва зулмни бартараф этишда улуғ отасидан ҳам ўтиб кетганини “яхшилик, ҳукм ва адолат қоидаларини тартибга солди” *(tartīb-i faḍl wa qawāida-i jūd wa rasm dād)* деб таърифлайди. У Султон Баҳромшоҳ ҳукмронлигининг илк пайтларида “шаҳид бўлади” [2: 63*а*].

[1] Йўғон ичакнинг яллиғланишидан келиб чиқадиган касаллик [8: 381].

Ғазнавийлар давлатида вазирлар албатта, катта нуфузга эга бўлган. Кўпинча бу юксак вазифага тажрибали, молия ишларини бошқаришда малакали шахслар тайинланарди. Султонлар кўпинча, нуфузли давлат аъёнлари билан кенгашиб, вазир лавозимига муносиб шахсни тайинларди. Баъзан сиёсий курашларда Султонга доимий кўмак бериб келган шахслар ҳам вазир этиб тайинланган.

Вазирлик лавозими авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтмаса-да, баъзи вазирларнинг ўғиллари ҳам вазирлик даражасигача кўтарилган. Султон Маҳмуднинг вазири Аҳмад ибн Ҳасан Маймандийнинг ўғли Абдураззоқ ибн Аҳмад ибн Ҳасан Маймандий ҳам Султон Мавдуд ва Султон Абдурашид ҳукмронлигида шу лавозимда ишлаган. Султон Масъуд ва Султон Мавдуд даврида вазир бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Абдуссамад Шерозийнинг ўғли Абдулҳамид ибн Аҳмад ибн Абдуссамад отаси каби Султон Иброҳим, Султон Арслоншоҳ ва Султон Баҳромшоҳ замонида вазирлик қилади. Бу ҳолат ўрта асрлардаги исломий давлатлар учун одатий ҳол эди.

Аксар вазирлар фитна қурбони бўлишган. Айниқса, бу ҳолат салтанат тахтига бошқа султон ўтқазилиш жараёнида кўпроқ учрайди. Бу ҳолат кўпинча янги султонларнинг аввалги вазирларга нисбатан ишончсизлиги ёки вазирларнинг янги султонни кўпроқ ўз таъсир доирасига туширишга интилиши сабабли содир бўларди.

Давлат бошқарувининг энг муҳим лавозими – вазирларнинг кўп бора фитналарга дуч келиши ва ўлдирилиши Ғазнавийлар давлатининг заифлашувига олиб келган. Мамлакатнинг энг нуфузли ва қудратли кишиларининг тез-тез бундай ҳолга тушиши ички низоларни кучайтирар ва давлатга қарши кучлар бундан унумли фойдаланиб қолишга уринарди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Босворт К.Э. Мусульманские династии. Москва, 1971.
2. Хондамир. Дастур ал-вузаро. ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 55/I.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол, 1-жилд. Тошкент, 2008.
4. Юсупова Д. Ю. Жизнь и труды Хондамира. Ташкент, 2006.
5. Daftary F., Madelung W. Encyclopedia Islamica. Leiden, 2008.

6. Doç.Dr.Tevfik Rüştü Topuzoğlu. Beyhaki tarihi'ne göre Gaznelilerde devlet teşkilati ve kültür. Istanbul, 1995.
7. غياث الدين خواندمير. دستور الوزرا. ترجمة الدكتور حربي أمين سليمان. القاهرة،1980
8. الإمام مجد الدين أبي طاهر محمد بن يعقوب بن محمد بن إبراهيم بن عمر الشيرازي الفيروز آبادي. القاموس المحيط. https://www.almaany.com/ar/dict/ar-ar/%D8%A7%D9%84%D9%82%D9%88%D9%84%D9%86%D8%AC/#:~:text=%D9%82%D8%A7%D9%85%D9%88%D8%B3%20%D8%B9%D8%B1%D8%A8%D9%8A%
9. مصطفى عبد الكريم الخطيب. معجم المصطلحات و الألقاب التاريخية. https://ar.wikipedia.org/wiki/%D9%85%D8%B3%D8%AA%D9%88%D9%81%D9%8A.

Ш. Каримов

Хондамирнинг "Дастур ул вузаро" асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида

Ўрта асрларнинг энг машҳур тарихчиларидан Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамирнинг (1473/1476–1534) "Дастур ал-вузаро" ("Вазирларга қўлланма") асари Темурийлар (1370–1506) давригача бўлган ўн бешга яқин давлатнинг машҳур вазирлари ҳақида маълумот бериши билан аҳамиятлидир. Муаллиф ушбу асарида вазирлар фаолиятлари, уларнинг муҳим тарихий воқеалардаги иштироки, тарихий жараёнларга таъсири тўғрисида қизиқарли ҳикоялар келтиради. Ғазнавийлар давлатининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаёти айрим тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бироқ уларда бу салтанат вазирларининг давлат бошқарувидаги ўрни ва тарихий фаолияти махсус тадқиқ этилмаган. Мазкур мақолада "Дастур ал-вузаро" асарининг Ғазнавийлар султонлиги (977–1186) вазирлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади. Бу ишни амалга ошириш учун асарнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган № 55/I инвентар рақамли қўлёзма нусхасидан фойдаланилди.

Калит сўзлар: *"Дастур ал-вузаро", "Равзат ас-сафо", "Жомеъ ат-таворих", Ғазнавийлар, Сомонийлар, вазир, муставфий, девон, рисола ва иншо девони.*

Ш. Каримов

В произведении Хондамира «Дастур ал-вузара» О министрах Государства Газневидов

Труд “Дастур ал-вузара” (“Руководство для министров”) одного из самых известных историков Средневековья Гиязаддина ибн Хумамаддина Хондамира (1473/1476–1534) важен тем, что в нем приводятся сведения о знаменитых министрах около пятнадцати государств, существовавших во время Тимуридов (1370–1506). Рассказывая о деятельности министров, автор затрагивает важнейшие исторические события этой страны. При этом он думает о развитии событий и участии в них министров. В данной статье комментарии сделаны на основе перевода сведений о министрах Газневидского султаната (977–1186) из произведения “Дастур ал-вузара”. Хотя многие исследователи изучали общественно-политическую, экономическую и культурную жизнь государства Газневидов, в нашей научной литературе мало сведений о роли министров этого государства в государственном управлении и их деятельности. В статье анализируются сведения, представленные в произведении “Дастур ал-вузара” о министрах, работавших в государстве Газневидов. Работа написана на персидском языке, для перевода использован экземпляр, хранящийся в рукописном фонде Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан под инвентарным номером № 55/I.

Ключевые слова: *“Дастур ал-вузара”, “Равзат ас-сафа”, “Жамеъ ат-таворих”, Гезнавиды, Саманиды, везир, муставфий, дивон, диван инша и писем, катиб, наиб.*

Sh. Karimov

On the ministers of the Ghaznavid state in Khondamir’s work “Dastūr al-wuzarā”

The work “Dastūr al-wuzarā” (“Handbook for Ministers”) by one of the most famous historians of the Middle Ages, Ghiyaziddin ibn Humamiddin Khondamir (1473/1476–1534), is important in that it provides

information about the famous *wazīrs (ministers)* of around fifteen states that existed before the Timurid period (1370–1506). While talking about the activities of the ministers, the author touches on the most important historical events of that country. At the same time, he thinks about the development of events and the participation of ministers in it. In this article, comments are made based on the translation of information about the ministers of the Ghaznavids sultanate (977–1186) from the work "Dastūr al-wuzarā". Although many researchers have studied the social, political, economic and cultural life of the Ghaznavids state in our scientific literature, there is little information about the role of the ministers of this state in the state administration and their activities. The article analyzes the information provided in the work "Dastūr al-wuzarā" about the ministers who worked in the Ghaznavids state. The work was written in Persian, and the copy kept in the manuscript fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan under inventory number № 55/I was used for translation.

Key words: *"Dastūr al-wuzarā", "Ravḍat aṣ-ṣafā", "Jāmi' at-tawārīkh",* Ghaznavids*, Samanids, wazir, mustawfiy, divan, divan of letters and insha, katib, naib.*

Ф. Файзуллаев

Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар

Шайбонийлар XVI асрда тинимсиз шиддатли курашлар билан Марказий Осиёда йирик давлат тузди. Ушбу сулоланинг Муҳаммад Шайбонийхон (1451–1510, ҳукмронлик йиллари 1500–1510), Убайдуллахон (1487–1540, ҳукмронлик йиллари 1533–1540), Кўчкинчихон (1452–1530, ҳукмронлик йиллари 1510–1529) ва кейинги султонлари ҳам илм-фандан хабардор зиёли кишилар эди. Улар айниқса, Туронда бир қанча олий ўқув юртлари – мадрасалар, хонақоҳлар ва кутубхоналар бунёд этиб, илм-маърифатга ҳомийлик қилгани ҳақида қўлёзма асарлар ва тарихий ҳужжатларда кўплаб маълумотлар сақланиб қолган. Уларнинг миқдорига қараганда, юртимизда мазкур давр тарихи

Бизнинг авторлар

1. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, ЎзРФА вице-президенти
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусратович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.
6. **Каримов Шерзод Шавкат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – тарих фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – тарих фанлар номзоди, Самарқанд Давлат университети тарих факултети тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасининг доценти
10. **Разаков Фаррух Абдумўминович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

11. **Разакова Мавжуда Саттаровна –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, картотека бўлими мудири.
12. **Таниева Гулдона Мамановна** – тарих фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.
13. **Тошев Солижон Аҳмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшқабулович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Наши авторы

1. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, вице-президент АН РУз.
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусротович** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – доктор философсик наук (PhD) по истории, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримов Шерзод Шавкат угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института Истории Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – кандидат исторических наук, доцент кафедры историографии и источниковедения исторического факультета Самаркандского государственного университета.

10. **Разаков Фаррух Абдумумнович –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Разакова Мавжуда Саттаровна** – кандидат исторических наук, заведущий отделом картотеки Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистана.
12. **Таниева Гулдана Мамановна** – доктор исторических наук, доцент Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
13. **Тошев Соледжон Ахмаджонович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшкабулович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bakhrom A. Abdukhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, Director of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, vice-present UzAS.
2. **Dilora N. Radjabova** – Candidate of Historical Sciences, Associate Professor of the Department of the Historiography and Source Studies, history faculty Samarkand state university
3. **Farrux A. Razakov** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Farrux E. Fayzullayev**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Faxriddin N. Ibragimov** – Senior scientific researcher of Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
6. **Guldona M. Taniyeva** – DSc, dotsent of the Tashkent Pedagogical University name after Nizami.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mavjuda S. Razakova** – Candidate of Historical Sciences, Head the filing department, institute of oriental Abu Rayhan al-Biruni Academician of the Academy of Sciences of the Respublik of Usbekistan.
9. **Nargiza A. Ismatova**– Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Natalya E. Karimova** – Doctor of Science (in History), Professor, head of the department of Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
11. **Oksana G. Pugovkina** – Senior Research Fellow, Institute of History Academy of Sciences of Uzbekistan.

12. **Sherzod Sh. Karimov**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Shoira M**. **Akramova** – Junior Researcher of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
14. **Solejon A. Toshev** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.